



HUDUDGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш ШАРТНОМАСИ

2022 йил "7" январь

11/2-011-сон

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари **С.Абдиров** «Тахтакопир тумани Касип унар мактаби» бир томондан ҳамда ва 2022 йил "05" январда берилган №03-13-19-03/33-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи «Худудгаз Қорақалпоғистон» ГТФ (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари **Х.Айманов** иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 84000 куб.м, нархи 55440000 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	71500	минг.м3, январь	24000	февраль	23500	март	24000.
II чорак	_____	минг.м3, апрель	_____	май	_____	июнь	_____.
III чорак	_____	минг.м3, июль	_____	август	_____	сентябрь	_____.
IV чорак	_____	Минг м3, октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд